# БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ

Эътироф

## ЕВРОПА ЎЗБЕКИСТОНГА ИНТИЛМОҚДА

Сўнгги вақтларда Европа мамлакатлари сайёҳлик ширкатларининг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Шу йил март ойи бошида Бельгия ва Люксембургдаги «Weekend», «Exclusief», «Het Laatste Nieuws», «Travel magazine», «Style Trends», «Info Travel» ва бошқа машҳур таҳририятларнинг журналистларидан иборат сайёҳлик гуруҳининг юртимизга ташрифи бунинг ёрқин тасдиғидир.

Журналистларнинг ушбу сафари Бельгия, Нидерландия, Люксембург давлатларида таниқли бўлган «JET-AIR» сайёҳлик компаниясининг ташаббуси ва Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Ташрифдан мақсад Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти билан танишиш, шунингдек, сайёҳликнинг жозибадор йўналишларини аниқлашдан иборат эди.

Журналистлар Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларда бўлишди. Бельгия матбуотида қатор мақола ва хабарлар чоп этилди. Уларда ўзбек халқининг маданияти ва урф-одатлари меҳмонларни ўзига жалб этганлиги баён этилади.

Муаллифлар ўқувчиларнинг асосий диққат-эътиборини Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва хорижий сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида республика ҳукумати томонидан амалга оширилаётган тадбирларга қаратишган.

Шунингдек, мазкур мақолаларда сайёҳлик бизнесининг қисқа муддат ичида шаклланганига қарамасдан халқаро замонавий талабларга жавоб берадиган инфратизим яратилганлигига алоҳида урғу берилган.

Бундан ташқари, мақола муаллифлари давлатчиликнинг барпо этилишида фан, маърифат ва маданиятнинг равнақ топишида Амир Темурнинг хизматларини эътироф этган ҳолда Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётига ҳам алоҳида эътибор беришган.

**«Жаҳон» АА.**

## ТИНЧЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

«Интернет» хабарларига қараганда, шу кунларда Зимбабве, Сьерра-Леоне, Шри-Ланка ва Филиппинда ташвишланарли аҳвол ҳукм сурмоқда. Шу сабаб, куни кеча Сьерра-Леоне ҳукумати зудлик билан ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни назорат қилиш қўмитасининг йиғилишини ўтказишни таклиф қилди. Ушбу битим ўтган йили ҳукумат билан Бирлашган инқилобий фронт раҳбарияти ўртасида имзоланган эди. Хабарларга қараганда, йиғилишда БМТнинг Сьерра-Леонедаги тинчликпарвар кучлари ва исёнчи жангарилар ўртасида авж олаётган қуролли тўқнашувларга барҳам бериш ва мамлакатда осойишталикни таъминлаш масаласи кўриб чиқилади.

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ БАЁНОТИ

"Болаларни асранг" халқаро хайрия ташкилоти тарқатган баёнотда, ҳозир дунёда 13 миллион бола қаровсиз қолганидан жиддий ташвиш билдирилади. Ташкилот қатор мамлакатлар ва БМТ раҳбариятига мурожаат этиб, болалар ҳуқуқларини таъминлашга даъват қилди.

Баёнотда таъкидланишича, ҳозирги кунда Косово, Ангола ва Колумбияда болалар аҳволи анча ночор. Айниқса, Анголадаги вазият ўта танг. Болалар таҳқирланмоқда, мажбуран оғир ишларга жалб этилмоқда, турли касалликларга учраб нобуд бўлмоқда. Буларнинг барчаси учун болаларни бошпанасиз, қаровсиз қолдирганлар жавобгардир, дейилади баёнотда.

## ЖИДДАДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Афғонистондаги қарама-қарши томонлар ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Ислом конференцияси ташкилоти шафеълигида ўтказилаётган ушбу музокаралардан мақсад "Толибон" ҳаракати ва Шимолий иттифоқ ўртасида ўт очишни тўхтатиш борасида келишувга эришиш ҳамда мамлакатдаги барча сиёсий кучлар иштирокида коалицион ҳукумат тузишдир.

Маълумки, шу йилнинг 6-7 март кунлари Жиддада ўтказилган музокараларнинг биринчи босқичи натижасиз якунланган эди.

## «И-БЕЙ»НИНГ КУТИЛМАГАН ХУЛОСАСИ

«Интернет» тармоғида савдо хизмати кўрсатадиган "И-Бей" компанияси ўз саҳифасидан кубалик Элиан Гонсалес номи билан боғлиқ эсдалик совғалар ҳақидаги рекламани олиб ташлашга қарор қилди. Бу совғалар орасида Элианнинг ҳайкалчалари, у АҚШга келаётганда ғарқ бўлган кема парчалари, гўёки болани қутқариб қолган делфин ва ҳатто Майамидаги кубалик муҳожирлар яшайдиган Кичик Гавана туманининг ҳавоси солинган идишлар бор эди. Бу товарлар савдосидан кимлардир мўмай пул ишлаб олишни режалаштириб юрган. Лекин "И-Бей" компанияси уларнинг аксар қисми ҳақиқий эмас ва савдо кутилгандек даромад бермайди, деган хулосага келди.

## ЖУРНАЛИСТ ҚОТИЛИ ИЗЛАНМОҚДА

Испаниянинг шимолий вилояти – Басклар мамлакатидаги таниқли журналист Хосе Луис Лопес Сан-Себастян шаҳридаги уйи ёнида отиб ўлдирилди. Ҳозирча ҳеч ким бу жиноятга жавобгарликни бўйнига олмаяпти. Тахминларга кўра, бу ЭТА деб номланган ҳаракатнинг ишидир. Чунки марҳум журналист Испаниядаги энг оммавий газеталардан бири бўлмиш "Эл-Мундо" билан яқин ҳамкорликда бўлиб, тинчликпарварлик сиёсатини ташвиқ қиларди. Қолаверса, уни мамлакат ички ишлар вазирининг яқин одами бўлганлигини айтишади.

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**



*Сеул — мўъжизалар шаҳри.*

Шундай инсонлар бор бўлсин

**Булунғур туманидаги «Ипак йўли» ширкат хўжалигининг Жонхўроз қишлоғида туғилиб ўсган Мамаюсуф Шодмонов «Соғлом авлод йили»да ўз ҳамқишлоқларининг фарзандларига янги мактаб биносини совға қилди.**

## ДОРИШУНОС МАКТАБ ҚУРДИ

Асли касби доришунос бўлган Мамаюсуф ака узоқ йиллар шу соҳа бўйича Самарқанд шаҳрида ишлаб келди. Умрнинг кексалик деб аталган нуроний палласи ҳам эшик қоқиб, ўтган йили пенсияга чиқди. Туғилиб ўсган қишлоғига қайтди.

8 фарзанд, 20 нафар невара кўрган пири-бадавлат ота кенжа неварасини етаклаб мактабга борди. Аммо юраги эзилди. Чунки маърифат ўчоғининг аҳволи ночор эди.

Шундан сўнг Мамаюсуф ака хўжалик раиси Алибек Мирзабеков, туман халқ таълими бўлими мудири Тўхтамурод Сафаров ҳамда мактаб директори Абдуҳамид Исроиловга мактаб қуриб бериш истагани айтди. Тез кунда қурилиш ишлари бошланиб, 9 та синфхона, спорт зали, ошхона, компьютерлар хонаси тиклаб бўлинди.

– Қишлоқда фаолият кўрсатаётган мактабда 68 нафар ўқувчи таълим олади, – дейди Мамаюсуф ака. – Янги мактаб тўла ишга тушса, илм ўчоғи 280 ўқувчини ўз бағрига олади. Бу ерда нафақат бошланғич синф, балки тўққизинчи синфлар ҳам ўқиш имкониятига эга бўлишади.

Булунғурлик Мамаюсуф Шодмонов икки дунё саодатига лойиқ савоб ишга қўл урди.

**«Туркистон-пресс».**


**РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**қуйидаги бўш ўрин лавозимларига танлов эълон қилади:**

**Оиланинг тиббий-биологик асослари бўлимига**

*Бўлим бошлиғи* - тиббиёт фанлари доктори ёки фан номзоди
*Катта илмий ходим* - фан номзоди (1)
*Илмий ходим* - олий маълумотли тиббиёт ходими (1)

**«Оила маънавияти» бўлимига**

*Бўлим бошлиғи* - фан доктори ёки фан номзоди (1)
*Катта илмий ходим* - фан номзоди (1)
*Илмий ходим* - олий маълумотли (1)

**Оиланинг иқтисодиёт ва демографик хусусиятлари бўлимига**

*Катта илмий ходим* - иқтисодчи, фан номзоди ёки олий маълумотли мутахассис (1)
*Илмий ходим* - олий маълумотли (2)

**Оила ҳуқуқи бўлимига**

*Катта илмий ходим* - фан номзоди (1)
*Илмий ходим* - олий маълумотли (1)

***Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Марказнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосарига мурожаат қилишлари мумкин.***

**Манзил: Фурқат кўчаси, 1-уй, 4-қават.
Тел.: 45-18-68.**

**Дирекция.**



**ЭЪЛОН**

**2000 йил 19 май соат 15.45 да**

**«ТОЛА»**

**ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**акционерларининг 1999 йил якунига бағишланган умумий мажлиси ўтказилади.**



**КУН ТАРТИБИ.**

1. *Очиқ турдаги «ТОЛА» ҳиссадорлик жамиятининг 1999 йил молия хўжалик фаолиятининг якунлари.*
2. *Аудит ва тафтиш комиссиясининг хулосаси.*
3. *Ҳиссадорлик жамиятининг 2000 йилдаги вазифалари.*
4. *Қўшма корхона ташкил қилиш хақида.*

2851


Банк ва мижоз

## ВИЛОЯТДА ЯККАЮ ЯГОНА

**аммо унинг хизматидан тадбиркорлару фермерлар мамнун**

**«Ўктамбанк» Қашқадарё вилоятида ташкил этилган яккаю ягона очиқ турдаги хусусий акциядорлик тижорат банки ҳисобланади. Маълумки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида «Ўктамбанк»да капиталлаштириш жараёни суст бораётганига эътиборни қаратганди. Шундан кейин бу борада қандай ўзгаришлар юз берди? Банк бошқаруви раиси Холмўмин РАЗЗОҚОВ билан суҳбатимиз шу тарзда бошланди.**

— Мен, аввало, бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим, — деди у. — Юртбошимизнинг назари эндигина фаолиятини бошлаган хусусий банкка тушганлиги, унга эътибор берганлиги биз учун катта гап бўлди. Демак, юртимиздаги каттами-кичикми ҳар бир хайрли иш, ташаббус давлатимиз раҳбарининг эътиборида. Шуни яна бир бор ҳис этиб қувондик. Очиғи, кўпгина имкониятлардан етарли даражада фойдаланмаётганимизни тушуниб етдик. Шундан кейин фаолиятимизни жонлантириш, капиталлаштириш жараёнини тезлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдик. Хусусан, шу йилнинг биринчи ярмида банк Низом жамғармасини 52 миллион сўмга етказиш, йил охиригача эса уни уч баравар ошириш кўзда тутилган. Шу мақсадда Президентимизнинг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида иш олиб бораяпмиз. Чунки бу фармонда тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш, деҳқон, фермер хўжаликлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилган.

**— Мумкин бўлса, шу ўринда бир неча мисоллар келтирсангиз?**

— Бажонидил. Белгиланган тадбирларга кўра, тадбиркорлар, фермерлар, деҳқон хўжаликларига кредит бераяпмиз. Масалан, Баҳористон туманидаги «Камолот» (раиси Сафар Равшанов), «Тўймурод бобо» (раиси Тоир Тўймуродов), «Машъал» (раиси Эркин Жумақулов) фермер хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш учун 4,5 миллион сўм кредит ажратилди. Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи Асрор Рўзиев ҳам банкимиздан 1 миллион сўм қарз олди. Шу билан бирга, биз мижозларимизга ҳамкор сифатида қараб, уларнинг топшириғига кўра, касса хизмати кўрсатиш билан кифояланиб қолмасдан, қурилиш, ишлаб чиқариш, хизмат соҳалари, сервис, технологиялар ва илмий-техникавий тармоқлар бўйича маблағларни инвестициялашга ҳам эътибор қаратаяпмиз. Айтиш лозимки, бу ишлар ҳеч оворагарчиликсиз амалга оширилмоқда. Шунинг учун мижозларимиз сони кун сайин ортаяпти.

**— Акциялар операцияси қандай кечаяпти? Шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз.**

— Эгасининг номи ёзилган имтиёзли 22 миллион сўмлик акцияларнинг биринчи эмиссияси, худди шундай эгасининг номи ёзилган 30 миллион сўмлик акцияларнинг иккинчи эмиссияси чиқарилди. Тез орада учинчи эмиссияга ҳам навбат келади.

**— Бозор шароитида, хоҳлайсизми-йўқми, рақобат бўлади. Кимки замон талабларига жавоб беролса, унда ютиб чиқади. Акс ҳолда...**

— Шунинг учун биз, Низомимизда кўзда тутилганидек, мижозларимизга кредитлаш, лизинг, факторинг, аудит, қимматли қоғозлар каби операциялар бўйича энг арзон, энг қулай, энг ишончли, кўп қиррали хизматларни таклиф этган ҳолда, уларни ўз вақтида бажариш пайидан бўлаяпмиз. Айни чоғда маркетинг хизматини ҳам йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз. Буларнинг бариси даромадимизни кўпайтириш имконини бермоқда.

Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида касса режасининг кирим қисми бўйича 179,5 фоиз ўсишга эришилди. Шунинг учун ўз маблағимиз ҳисобидан фермерлар ва тадбиркорларга 14 миллион сўм миқдорида имтиёзли, қисқа муддатли кредит бердик.

**— Банкингиз яна қай бир хусусиятлари билан мижозларни ўзига жалб қилмоқда?**

— Назаримда, тадбиркорлар ва жисмоний шахслар эътиборини қозонишимизнинг сабаби шуки, ким қанча нақд пул топширса (қанча миқдорда бўлишидан қатъий назар), исталган вақтда уни қайтараяпмиз. Сақлаш муддати 1 ойдан ошса, устама фоиз ҳам тўланмоқда. Омонатчиларга ҳам қисқа ва узоқ муддатли омонат турлари жорий этилган бўлиб, улардан айримларига ҳатто 40 фоизгача йиллик устама берилмоқда.

**— Режаларингиз?**

— Яқин кунларда банкимизда чет эл валютаси операцияларини ҳам бажаришга киришамиз. Бу, ўйлайманки, келажакда мижозларимиз, яъни ҳамкорларимиз манфаатдорлиги ошишига хизмат қилади.

**«Халқ сўзи« мухбири Нарзулла РАВШАНОВ суҳбатлашди.**


**Радио алоқа тизимлари**

**бепул эфир**



**Тел.: (3712) 78-54-70; 78-41-07; Факс: 78-05-03.**

2814


## БАДИИЙ РАСМЛАР ҚАҲРАМОНИ – ЧЕГАРАЧИЛАР

Замонлар ўзгараверади, лекин ҳақиқий санъат асарлари халқ мулки бўлиб қолаверади. Ўз ижодий қоидаларига содиқ санъаткорлар Ватан ва халқ олдидаги бурчларини чуқур ҳис қилиб, давр билан ҳамнафас ҳолда янги-янги асарлар яратадилар, ўз ижодлари билан навқирон авлодларни эл-юртни севишга, ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишишга даъват этаверадилар.

Таниқли рассом Вячеслав Шевченко шахсий кўргазмасининг очилиши чоғида сўзга чиққанлар ана шулар ҳақида гапиришди. Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси кенг фойесида Хотира ва Қадрлаш куни арафасида очилди.

Кўргазмага таниқли мўйқалам соҳиби кейинги пайтда яратган портретлар ва табиат манзараларини акс эттирган расмлар қўйилган. Рассом чегарачиларимизнинг жанговар ҳаёти билан танишди ва бутун бир портрет асарлар галереясини яратди. Уларда оддий аскарлар ва зобитларнинг руҳий ҳолати моҳирона акс эттирилган. Лейтенант Фахриддин Аҳмедов, сержант Султон Юзбоев, оддий аскар Дмитрий Сисоев, лейтенант Ҳусниддин Жабборовларнинг портретлари диққатни айниқса ўзига тортади.

**Жўрабек МУРОД, "Халқ сўзи" мухбири.**


**ABN·AMRO Bank**

**Best Bank in Uzbekistan**

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда
Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс 120-63-67.*

2777

